

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини 55

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида 58

Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти 61

З.АЛИМОВА

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдат ут–таворих” асарида қўлланган форсий сўзлар хусусида 64

И. ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари 68

И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сўзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси 72

Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психоллингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти 76

Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида 81

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш 84

Э.МИРЗАЖОНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари 89

ИЛМИЙ АХБОРОТ

А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа 94

А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари 96

О. ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи 99

С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир 102

У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида 104

М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида 107

Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни махсус-физикавий ва техникавий назоратга тайёрлаш 110

АДАБИЙ ТАҚВИМ

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР 113

ХОТИРА

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ 114

ТЕМПОРАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЛИСОНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚИ ХУСУСИДА

Ш.Султонова

Аннотация

Мақолада темпораллик категориясининг икки фан: фалсафа ва тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади. Темпораллик категориясини ўрганишнинг ўзига хос томонлари тилшуносликнинг анъанавий, синсемантик, когнитив, коммуникатив ва функционал грамматика деб номланувчи йўналишлари доирасида таҳлил этилади. Темпораллик категориясини замонавий тилшуносликда ўрганишга оид асосий тенденциялар аниқланади. Ушбу категорияни морфотем концепция асосида таҳлил қилиш таклиф қилинади.

Аннотация

Статья посвящена исследованию категории темпоральности с точки зрения двух наук – философии и лингвистики. Анализируются особенности изучения категории темпоральности в рамках таких направлений в языкознании, как традиционное, синсемантическое, когнитивное, коммуникативное и функциональная грамматика. Выявляются основные тенденции, характерные для рассмотрения категории темпоральности в современной лингвистике. Предлагается анализ категории темпоральности в русле морфотемной концепции.

Annotation

The present article is about the analysis of the category of temporality from the point of two subjects – philosophy and linguistics. The peculiarities of the analysis of the category of temporality is carried out within the framework of aspects linguistics like traditional, cognitive, synsemantic, communicative linguistics and functional grammar. Main tendencies of analyzing temporality in linguistics are defined in the article. The analysis of this category in the framework of morphemes conception is suggested in this article.

Таянч сўз ва иборалар: лингвистик категория, мантиқий категория, темпораллик, замон, замон турлари.

Ключевые слова и выражения: языковая категория, логическая категория, темпоральность, время, типы времени.

Key words and expressions: linguistic category, logical category, temporality, tense, types of tenses.

“Темпораллик” термини нафақат табиий, балки ижтимоий фанларда ҳам кенг қўлланилади ва бунинг асосида “замон” тушунчаси ётади. Энг аввало, замон – бу фалсафий, онтологик категория ҳисобланади. Фалсафада замон – “оламдаги барча моддий системалар ва жараёнларнинг ҳолати алмашилишининг мавжудлиги ва кетма-кетлиги, давомийлигини ифодаловчи” [1.191] борлиқнинг мавжуд бўлиш шакли ҳисобланади. Замон, макон ва ҳаракат категориялари ушбу фанда ўзига хос бирликлар сифатида ўрганилади, ваҳоланки, замон “оламнинг базавий категорияси”, “олам ва инсоннинг мавжуд бўлишидаги энг муҳим омил” [2.6] сифатида таърифланади, шунингдек, “психологик, биологик, маданий, физик ва фазовий замонлар” [2.7] мавжудлиги қайд қилинади. Бошқа таснифга кўра, замоннинг фақат учта тури борлиги таъкидланади: физик (реал), яъни замон “объектив олам элементи сифатида”; хронологик замон, яъни “воқеалар кетма-кетлигини ифодаловчи замон” сифатида; “инсон онгининг формал тил бирликлари орқали ифодаланган у ёки бу семиотик системалар ёрдамида реал замон моделини яратиш йўлидаги уринишларини” [2.7] намойиш

қилувчи лингвистик замон.

Бундан ташқари, борлиқнинг ташқи шарт-шароити ҳисобланган қандайдир жараёнларнинг бўлиб ўтишига боғлиқ бўлмаган “мутлақ замон” ва турли хил жараёнлар содир бўладиган нисбий замон ҳам қайд қилинади. Баъзи олимлар ҳам мутлақ, ҳам нисбий замон мавжудлигини таъкидлайдилар, баъзилари эса фақат мутлақ замон (Платон), ёки аксинча, фақат нисбий замон (Аристотель) бўлишини эътироф этадилар.

Замон “инсон турмушининг муқаррар асоси” [2.7] бўлар экан, демак, у инсоннинг мавжуд бўлиш усулини аниқлаб беради ва инсон “олам ҳақидаги ўй-хаёлларини одатда унга ёки оламга берилган замон билан ва боқий умр кечувчи абадият билан боғлайди” [3.3]. Бундан келиб чиқиб, замон категориясини инсон онгига тегишли категория дея изоҳлаш мумкин. Шунга асосан, замон психология ва маданиятшунослик каби гуманитар фанларда ўрганилади.

Тилшуносликда замон тушунчаси билан биргаликда темпораллик тушунчаси ҳам қўлланилади. Темпораллик – бу тилда замонга хос муносабатлар реализациясини белгиловчи

Ш.Султонова - ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

категория.

Замон категорияси ўзининг лингвистик хусусиятига кўра морфологик-синтактик ҳисобланади ва у темпоралликнинг мазмун планида ҳам, ифода планида ҳам мантиқий-семантик категория билан мос келмайди. Темпораллик категорияси замонга хос муносабатларни ифодаловчи ҳам грамматик, ҳам лексик воситаларни ўз ичига олади, шунингдек, у ҳажм жиҳатидан замон тушунчасидан кенгрок маънони касб этади.

Тилшуносликда темпораллик категорияси ва замонни тадқиқ қилиш билан грамматик (анъанавий), синсемантик, когнитив, коммуникатив ва функционал грамматика каби йўналиш вакиллари шуғулланидилар.

Классик грамматик тилшуносликда замон тушунчаси феълнинг тусланиши орқали ифодаланадиган “грамматик замон” сифатида тушунилади. Феъл замони бирор воқеа-ҳодисанинг замонда локаллашувининг акс эттирилиши ҳисобланади [2.8].

Функционал грамматика доирасида замон муносабатларининг тадқиқи билан А.В. Бондарко, З.Я. Тўраева, В.У. Дресслерлар шуғулланишган. А.В. Бондарко эътироф этишича, темпораллик – бу, “замонни ифодаловчи турли тил воситалари, яъни: грамматик замон темпоралликнинг ядроси бўлган грамматик, лексик ҳамда аралаш воситаларнинг жамланмаси ёрдамида замон аспектларининг физик ва фалсафий моҳиятини ифодаловчи функционал-семантик категория” [2.8].

Ушбу йўналиш вакиллари томонидан темпораллик бошқача, яъни “замоний муносабатларни ифодаловчи ва функционал-семантик умумийлик билан жамланган элементларни боғловчи муносабатлар тармоғи” [4.19] сифатида таърифланади.

Функционал-семантик ёндашувга мувофиқ “замон тил системасининг барча сатҳларида иштирок этган ҳолда тилнинг мазмун томонига киради”, шунингдек, “замоний муносабатлар иш-ҳаракатлар орасида темпораллик категорияси орқали тасвирланадиган функционал-семантика доирасида эса замонни ифодаловчи грамматик ҳамда лексик-семантик воситалар сифатида ўрганилади” [6.2].

Синтактик семантика вакиллари (А.М. Мухин, Г.А. Золотова, В.В. Богданов) синтаксема тушунчасини семантика ва синтаксисни боғловчи бирлик сифатида ўрганадилар. Функционал-синтактик бирликлар – синтаксемалар асосида синтактик-семантик аломатлар ётади.

Темпораллик категорияси тадқиқотида келадиган бўлса, синтактик ёндашувда бундай тадқиқот темпорал синтаксемалар ва темпорал лексемаларни ўрганиш доирасида амалга оширилади. Темпорал синтактик категория доирасида турли функционал синфларга хос бўлган синтаксемалар қайд қилинади: субстанциал – от билан ифодаланган, квалификатив – сифат билан ифодаланган ҳамда процессуал – феъл билан ифодаланган. Шундай қилиб, синтактик семантика доирасида сўз туркуми таснифининг семантик тасниф билан бирлаштирилишига уриниш кузатилади. Айнан семантик омилнинг, шунингдек, тил бирликларининг синтактик роли ҳисобга олиниши синсемантик ёндашувни классик грамматик ёндашувдан фарқлайди.

Темпораллик семантикаси билан бирлаштирилган синтаксемалар “кўплаб бирликларни ўз ичига олувчи темпорал қатор”ни [6.61] ташкил қилади ва бу қаторга темпорал синтаксемаларнинг қуйидаги кичик қатори киради: темпорал акционал (содир бўлиш), темпорал нофаол акционал, темпоралстатив (турғун), темпорал квалитатив (даражали) синтаксема ва б. А.М.Мухин томонидан ажратилган темпорал синтаксемаларнинг кичик қатори тилдаги мавжуд темпорал муносабатларнинг хилма хил кўринишлари тўғрисида гувоҳлик беради.

Синтактик семантика вакиллари томонидан эътироф этилишича, ҳар бир сўз туркумига оид категориал маънодан ташқари улар ўзларига хос бўлмаган категориал маъноларни ҳам ифодалаши мумкин. Айнан шу ҳолат функционал синтаксиснинг анъанавий синтаксисдан катта фарқини кўрсатиб беради. Шундай қилиб, турли тафаккур категорияларининг бир тил бирлиги ёки бир неча бирликдан иборат жамланма доирасида ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги эътироф этилади.

Семантик-синтактик ёндашув анъанавий грамматик ёндашувга нисбатан анча илгарилаб кетган бўлса ҳам, аммо мантиқий ва лисоний категорияларнинг лисоний ва нутқий бирликлар доирасидаги ўзаро таъсири ва ўзаро сингиб кетиши масаласи барибир ҳал қилинмади.

Темпораллик категориясини когнитив йўналиш доирасида ўрганиш турли тил эгаларининг замон ҳақидаги тасаввурларини оламнинг миллий лисоний манзараси элементи сифатида тасвирлаш имкониятига асосланади. Когнитив йўналиш доирасида тилшуносликда замонни лисоний концептлаштириш масаласи ўрганилади. Замонни идрок қилиш, уни инсон томонидан

ТИЛШУНОСЛИК

маълум йўл билан англаш тил бирликлари ёрдамида кодлаштирилади (амалга оширилади), шунингдек, лисоний темпорал тузилмалар тадқиқи ментал шаклни объектлаштириш ва инсон онги ва руҳияти билан оламни концептуаллаштиришга эришиш имконини беради. Яъни, ушбу фикрдан кўриниб турибдики, Е.С. Кубрякова бошқа тилшунослардан фарқли равишда, тил ёрдамида ментал шаклларни оддий акс эттириш ҳақида эмас, балки тил доирасида уларни объективлаштириш ҳақида гапирди.

Замон феноменининг турли қирраларини идрок қилиш натижасини акс эттирувчи когнитив моделлар мавжуд. Тилда замоннинг когнитив моделларидан баъзилари қўлланилади. Ушбу моделлар этноснинг маданий-идрокий тажрибаси, шунингдек, тилнинг ўзига тегишли хоссалари билан ҳам белгиланади. Борлиқнинг турли темпорал жиҳатларини белгилаш учун тил турли лисоний сатҳларга оид воситалар йиғиндисига эга. Замоннинг маълум когнитив моделига замоннинг лисоний модели мос келади.

Матнга нисбатан темпораллик категориясининг боғлаш хусусияти унинг матни коммуникатив-мазмуний бирлик сифатида белгилаши ва тузишида намоён бўлади. Коммуникатив йўналиш вакиллари, масалан, В.В. Востоков, грамматикада темпораллик категориясининг коммуникатив вазифасига катта эътибор қаратади. В.В. Востоков фикрича, темпоралликда сўзловчи шахс томонидан белгиланадиган уч хил муносабат ўз аксини топади.

Булар:

– коммуникатив замон (хабарнинг нутқ пайтига муносабати);

– когнитив замон (сўзловчининг онгида бевосита кузатиладиган ва замон ҳаракатининг кузатилмайдиган бўлаги сифатида муҳрланган);

– эмотив замон (сўзловчининг хабарнинг темпорал-ашъёвий мазмунига

бўлган ҳиссий муносабатини акс эттирувчи темпорал баҳо) [7].

Замонга хос коммуникатив, когнитив ва эмотив жиҳатларнинг маълум фарқларига қарамай, уларнинг ҳаммаси хабарнинг умумий темпорал суратини тўлдирган ва бойитган ҳолда, ўзаро фаолият олиб борадилар.

Шундай қилиб, темпораллик категориясининг тилдаги вазифасининг асосий хусусиятлари ушбу феноменининг онтологик табиати билан аниқланади. Тилшуносликда ҳар бир йўналиш темпораллик категориясини у ёки бу йўналишнинг мақсади ва моҳиятидан келиб чиқиб, ўзига хос нуқтаи назар билан таҳлил қилади. Умуман, ҳозирги замон тилшунослигида темпораллик категориясини тадқиқ қилиш учун қуйидаги тенденциялар хос:

– темпораллик категориясини соф грамматик таҳлил қилишдан узоқлашиш;

– мазкур категорияни тилда замон феноменининг бошқа фанларда ўрганилиши хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш;

– лисоний маконнинг турли сатҳларида темпораллик маркерларини кўриб чиқиш;

– антропоцентризм (инсон омилининг таъсирини ҳисобга олиш);

– тилдаги темпорал муносабатларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиш;

– темпораллик категориясининг бошқа мантиқий-фикрий категориялари билан тизимли алоқаларини ҳисобга олиш.

Бироқ, кўриб чиқилган барча йўналишлар анъанавий ёндашувга қараганда темпораллик категориясини ўрганишда анча илгарилаб кетганлигига қарамай, замоннинг лисоний ва мантиқий-фикрий тушунилиши ўртасида ўзаро алоқани боғлаши ва аниқлай олмаслиги маълум бўлди. Бундан ташқари, темпораллик категориясини тадқиқ қилиш юқорида санаб ўтилган йўналишлар вакиллари томонидан нутқ сатҳига чиқмаган ҳолда, фақат тил сатҳида олиб борилади.

Адабиётлар:

1. Новейший философский словарь. 3-е изд. испр. – Минск, 2003.
2. Гильфанова Д.Р. Темпоральность художественного текста (на материале английского и татарского языков): автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень., 2005.
3. Малужко О.А. Культурно-исторические хронотипы европейского общества: автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Уфа, 2005.
4. Тураева З.Я. Категория времени: время грамматическое и время художественное. – М., 1979.
5. Ласица Л.А. Внутреннее время текста: лексико-грамматические и онтологические модели : автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2008.
6. Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. СПб., 2007.
7. Востоков В.В. Коммуникативный, когнитивный и эмотивный аспекты темпоральных значений в структуре текста. URL: <http://www>.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).